



## ХОДЖКИН ЛИМФОМАСИ ТАШХИСИДА ИММУНОГИСТОКИМЁ-НИНГ АҲАМИЯТИ

Қадамова М.А.

*Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали*

Лимфоид тўқимадан келиб чикувчи, муайян морфологик ва иммуногистокимёвий белгиларга эга бўлган ўсма жараёнларидан бири Ходжкин лимфомаси ҳисобланади. Бу ўсма тури лимфомалар қаторида алоҳида клиник-морфологик тур сифатида ажратилади ҳамда ташхис қўйишда морфологик ўзгаришлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. ХЛни бошқа лимфопролифератив касалликлардан фарқлашда Рид–Штернберг хужайра-лари ва уларнинг иммунофенотиплари асосий мезон ҳисобланади.

**Муаммонинг долзарблиги.** Морфологик хусусиятлари жиҳатидан Ходжкин лимфомаси микроскопик даражада ўзига хос бўлган хужайравий таркиблар ва тўқима структураларига эга бўлган ўсма туридир. Унинг асосий морфологик белгилари икки ёки кўп ядроли, ядросида “укки кўзи” кўрини-шидаги хроматин структурасига эга бўлган йирик хужайралар яъни Рид–Штернберг хужайраларининг бўлиши, Рид–Штернберг хужайраларининг якка ядровий шакли бўлган моноклеар хужайраларнинг аниқланишидир. Ҳосил бўладиган инфилтрат таркибида лимфоцитлар, эозинофиллар, гистиоцитлар, нейтро-филлар ва плазматик хужайралар кузатилади. Мазкур ўсманинг баъзи турларида фиброз, гранулёма ва некроз элементлари учрайди.

Тадқиқот учун олинган материаллар асосан 2019-2024 йиллар давомида РИВАРИАТМ Хоразм филиалига касаллик туфайли мурожаат қилган ҳамда Ходжкин лимфомаси ташхиси аниқланиб, даволашда бўлган 80 нафар беморнинг касаллик тарихи маълумотлари ретроспектив ўрганилиши асосида олинган натижалар таҳлил қилинди.

Ходжкин лимфомасининг клиник ва морфологик турларга бўлиниши диагностик ва терапевтик тактикани аниқлашда муҳим аҳамиятга эга:

Нодуляр лимфоцит устунлиги (NLPHL) – CD20+, CD45+ бўлганда прогноз яхши. Классик ХЛ (CHL): а) Нодуляр склероз (NSHL) да бириктирувчи тўқиманинг ўсиши, лакунар хужайраларнинг бўлиши; б) Аралаш хужайравий таркиб (MCHL) кўп сонли Рид–Штернберг хужайралари ва некрознинг мавжудлиги; в) Лимфоцитар устунлик (LRCHL) лимфоцитлар кўп сонли, Рид–Штернберг хужайраларининг кам сонли бўлиши; г) Лимфоцитар етишмовчилик билан борадиган тури (LDCHL) – лимфоцитлар сонининг камлиги, бу турида прогноз салбий. Иммуногистохимик таҳлиллар морфологияни тўлдирувчи муҳим компо-нент бўлиб, Ходжкин лимфомасининг турларини фарқлашда



кўлланилади: а) Классик ХЛда CD15+, CD30+, CD20–, CD45 – натижа берса, нодуляр лимфоцит устунлиги (NLPHL) билан турида CD20+, CD45+, CD15–, CD30 каби натижалар беради. Лимфогранулематоз лимфоцитлар камайиши билан борувчи (лимфоцит-дефицит) варианты бу лимфоцитлар дефицит классик Ходжкин лимфомаси (LD-sHL) дейилади ва лимфа тўқимаси деярли йўқолган, аммо Ходжкин / Рид-Штернберг хужайралари (HRS) ниҳоятда кўп учрайдиган тури бўлиб, энг кам ҳолларда учрайдиган ва агрессив вариантыдир. LD-sHL икки морфологик шаклга: **ретикуляр ва диффуз фиброз турларга** ажратилади. Эпидемиологияси ва клиникасида кўпроқ 50 ёшдан юқори бўлган беморларда ва иммунодефицит (айниқса HIV) фонида учрайди. Бу касаллик турида «В-симптомлар» (харорат, терлаш, вазн йўқотиш) ва спленомегалия тез-тез кузатилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки **лимфогранулематоз ташхисида морфологик текширишлар** биринчи навбатда ташхисни тасдиқлайди, касалликлар турини аниқлайди, касалликлар прогнози ва даво тактикаларини белгилайди, қиёсий ташхислашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. **Лимфоцитлар камайиши билан кечувчи лимфогранулематоз клиник ва патогенетик жиҳатдан энг агрессив шакли бўлиб, индивидуал ёндашувни талаб қилади.** Ушбу варианты кеч аниқланиши, терапияга нисбатан чидамлилиги, даволаш режасини мураккаблиги интенсив кимётерапия, иммунотерапия ва трансплантация каби кенг кўламли стратегияларни талаб қилади.

### Фойдаланилган адабиётлар.

1. Камолова Ф. Ш. и др. Эпидемиологические и клинические особенности лимфопротеративных заболеваний с поражением органов головы и шеи //Онкогематология. – 2021. – Т. 16. – №. 3. – С. 105-117.
2. Тошева Р. С., Исмаилова М. Х., Илхамов Д. Ф. Роль компьютерной томографии и узд в диагностике злокачественных лимфом //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2021. – С. 194.
3. Тилляшайхов М.Н., Ибрагимова Ш.Н., Джанклич С.М., Состояние онкологической помощи населению Республики Узбекистан в 2019 году, Изд: «Фан» Академии Наук Республики Узбекистан. Ташкент-2020., стр. 85,
4. Огнерубов Н. А., Антипова Т. С. Радиационно-индуцированная саркома мягких тканей шеи после лучевой терапии лимфомы Ходжкина. Клиническое наблюдение //Современная онкология. – 2022. – Т. 24. – №. 3. – С. 325-330.



5. Патракеева В. П., Добродеева Л. К. Иммунные реакции при лимфоме Ходж-кина //Медицина экстремальных ситуаций. – 2023. – Т. 25. – №. 2. – С. 77-84.
6. Пластинина, Любовь Васильевна Клиническая и патоморфологическая характеристика фолликулярной лимфомы 3-го цитологического типа: автореф. Дис... канд. Мед. Наук.-М., 2017.- 24 с.
7. Сенченко М. А. и др. Клинико-морфологические характеристики тугуняр-ной лимфомы Ходжкина с лимфоцитарным преобладанием у детей. Опыт одного Центра //Вопросы гематологии/онкологии и иммунопатологии в педиатрии. – 2021. – Т. 20. – №. 2. – С. 111-120.
8. Саманёва Н. Ю. и др. Эволюция лекарственного лечения классической лимфомы ХОДЖКИНА //Южно-российский онкологический журнал. – 2022. – Т. 3. – №. 3. – С. 41-47.
9. Шуплецова И. А. и др. Клинико-патоморфологическая характеристика нодулярной лимфомы Ходжкина с лимфоидным преобладанием в зависимости от времени от появления лимфаденопатии до выполнения биопсии //Гематология и трансфузиология. – 2020. – Т. 65. – №. S1. – С. 246-246.
- 10.Шуплецова И. А., Ковригина А. М. Характеристика и частота диагностики вариантов вирус эпштейна-барр-позитивной лимфомы ходжкина с лимфо-идным преобладанием в структуре лимфомы ходжкина //Гематология и трансфузиология. – 2021. – Т. 66. – №. 4. – С. 567-579
- 11.Ameli F, Zahavi Z, Kosari F, Soleimani V. The utility of PAX8 in comparison with PAX5 immunohistochemical staining in the diagnosis of Hodgkin lymphoma. //Ann Diagn Pathol. 2022 Oct;60:151974
- 12.Amraee A, Evazi MR, Shakeri M, et al. Efficacy of nivolumab as checkpoint inhibitor drug on survival rate of patients with relapsed/refractory classical Hodgkin lymphoma: a meta-analysis of prospective clinical study. //Clin Transl Oncol. 2019;21(8):1093–1103.
- 13.Arlt A., von Bonin F., Rehberg T. et al. High CD206 levels in Hodgkin lymphoma-educated macrophages are linked to matrix-remodeling and lymphoma dissemination. //Mol Oncol 2020;14(3):571-89.
- 14.Chiu WC, Chen SH, Chen BJ, Huang YL, Miserc JS, Wei CH, Lin WC. Primary pulmonary Hodgkin's lymphoma: A rare etiology mimicking pulmonary tuberculosis. //Pediatr Neonatol. 2021 Sep;62(5):569-570.